

Тарийхат қағйдаларында тийкарынан, шәкирт (мурид,суўпы)ке сабақ бериўшы устаз (пир,ийшан)ға үлкен жуўапкершилик жүклетиледи. Шәкиртти кәмилликке карап жокары дәрежелерге шарлаўшы устаз, тарийхат әдеби талапларын жақсы билетугын қалби Алла мағрипети менен толы болған билимли инсан болыўы керек. Устаздың билиминин тереңлиги, тарийхат усылларын жақсы өзлестиргени, әдеп-иқрамлы жақтан пәклиги, сөзи хәм исиниң бирлиги, шөлкемлестиреўшилик хәм исбилерменлик қабилети менен хәмийше өрнек болыўы лазым. Сабақ бериў барысында өзиниң исендире алыў қабилети менен басқалардан ажыралып турыўы дәркар.

Устаз хәм шәкирт арасындағы инсаный мүнәсибетлердиң жолға қойылыўы руўхый кәмалатқа көтерилиўдиң әҳмийетли шәрти есапланады.

Кәмил пирге мурид (суўпы) болған мусылман өзін үлкен хәм машақатлы гүреске салады. Ол өз нәпсисине қарай гүреске түсип, иләхият илиминин сырларын ийелеп, түнлерди қудайға ибадат етиў менен өткереди.

Үшинши басқыш-мағрипет («мағрифат»)сөзи арабша-«арафа»-билмек сөзинен алынған). Тарийхат әдеплерин толық өзлестирген инсан мағрипет басқышына көтериледи. Бул басқышта суфийлар қудайды ақыл менен емес, ал жүрек сезимлери менен аңлаўы тийис. Мағрипет басқышында суфийлер ҳадалық пенен ҳарамды, жақсылық пенен жаманлықты, мийримлилик пенен зулымлықты кеўли менен аңлаўы тийис. Пир устаз таңлаў арқалы мурид шәкиртлик жолында болып ҳақыйқатқа жетеди. Суфийлардың пикирине гөре, мағрипет пикирден алдын пайда болады хәм оны жүзеге келтиреді. Тасаўўыф әдебиатларында келтирилиўинше, Аллатааланың пазыйлетлерин болса, тек илаҳий мағрипет жәрдемінде билиў мүмкин.

Тасаўўыф философиясында корсетилиўинше илим, билим - бул билиў процесинин нәтийжеси. Инсан барлықтың өзине тән формасы болғаны ушын ол барлықтың белгили бир бөлегин билиўге ылайық. Тас-

саўўыф философиясы ўәкиллеринин түсиндириўинше билиў процесинин еки таянышы бар. Биринши таяныш-Кураны кәрим идеялары-билим болса, екынши таяныш-исеним. Илим билиминин ең әҳмийетли қәсийети ол хәмме ўақыт өзгеристе. Бундай өзгерис инсан келбетине да өз тәсирин тийгизеди. Әне усындай өзгерислер себепли инсан руўхый кәмилликке карап бара береді. Өз нәўбетінде усындай руўхый өзгерислер себепли инсан өзін өзи аңлап барады. Өзи ҳаққында түрли мағлыўматлар топлайды, өзинин ис-хәрекетиндеги, минез қулқындағы түрли иллетлерден тазаланып барады. Инсан өзін-өзи қанша көп билсе Алланың пазыйлетлерин сонша көп биледи. Әне усындай илаҳий мағрипет пенен Аллаға жақынласады.

Төртинши басқыш-хақыйқат деп аталады. Оған ерискен суўфий руўхый раўажланыўдың жоқарғы шыңына ериседи. Хақыйқат басқышында адам ҳақ пенен дийдарласып, ақырғы муратқа жетип, абсолют ақыл парасат пенен биригип кетеди.

Суфизм(тасаўўыф) тәлийматы мәнис-мазмуны жағынан инсан ҳаққындағы илим. Ол инсанлардың кеўлине, қалбине, руўхына терең кирип, адамларды хәмийше пәкликке хәм жақсылыққа шақырған, туўрылық, расғөйлик, ҳадаллық хәм тынышлықты ен жайған, жаманларды туўры жолға салған. Суфий уламалар хәм олардың шәкиртлери адамларды нәпсиге жеңилмесликке шақырады. Суўфийлик әдеп-иқрамлы, қалби хәм руўхы пәк, билими жокары инсанларды, яғный кәмил инсанларды тәрбиялап кәмалға жеткерийди өзлеринин тийкарғы миннети хәм мақсети деп билген. Басқаша айтқанда, инсанның руўхый-мәнәўий кәмиликке жетисийи суфизмнин тийкарғы мақсети есапланған.

Улыўмаластырып айтқанда, суфизм(тасаўўыф) бул илаҳият әлеми, инсан руўхыаты мұтәжликлери хәм оның Аллаға болған мүнәсибети ҳаққындағы философиялық тәлиймат.

Әдебиатлар

1. Шодиев Р., Бахриева Д. Суфизм в духовной жизни народов Мавереннахра (IX-XII вв). –Самарканд: 2018.
2. Ахмад Яссавий. Ҳикматлар. -Т.: «Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти»,1991.
3. Комилов Н. Тасаввуф. -Т.: «Movarounnahr»-«Ozbekiston», 2009.
4. Чориев Анвар. Инсон фалсафаси. -Т.: 2007, «Ўзбекистон файласуфлари миллий ҷамияти».
5. Ембергенов У., Шомуратов Ж. Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота). -Т.: «Ўзбекистон» 2015.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада суфийлик тәлиймоти умуминсоний қадиятлар даражасига қўтарилган исломий фалсафий таълимот сифатида қўриб чиқилади ва унинг инсонпарварлик ғояларининг инсон қамолотидаги аҳамияти муҳокама қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается учение суфизма как исламская философическая доктрина, которая поднялась до уровня универсальных ценностей, и обсуждается важность его гуманистических идей для человеческого развития совершенствования.

SUMMARY

This article discusses the teachings of Sufism as an Islamic philosophical doctrine that has risen to the level of universal values, and discusses the importance of its humanistic ideas for human excellence.

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАМИША ДОЛЗАРБ: ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲАММА УЧУН ОЧИҚ

А.Елмуратова - *психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Б.Алламбергенова - *ассистент ўқитувчи*

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали

Таянч сўзлар: таълим тизими, таълим шакли, шахс, масофавий, сиртки, кечки, инклюзив, эҳтиёж, қонун, муҳтож.

Ключевые слова: система образования, форма образования, личность, дистанционное, заочное, вечернее, инклюзивное, необходимость, закон, нужда.

Key words: education service, form of education, person, distance, part-time, evening, inclusive, necessity, law, needs.

Одамзод бу ёруғ дунёга манфаат аталмиш минглаб ришталар билан боғланган, у шу манфаатлар замирида ҳаракат қилади, фаолият юритади. Шахс манфаати, жамоа манфаати, мамлакат ҳамда ҷамият манфаати ҳамиша бир-бирини тўлдириб, бир-бирига таъсир этиб туради. Инсон ҷамият ичида яшар экан, шахсий манфаатларини атрофдаги одамлар, халқ ва мамлакат манфаатлари билан уйғунлаштириб бориши керак. Шу жараёнда у қамолга етади, шахс сифатида шаклланади [3].

Ҷамиятнинг раванки, мамлакатнинг тараққиёти, фуқаронинг тараққиёти, фуқаронинг моддий ва

маънавий манфаатлари қай даражада ривожлангани ва қай даражада қондирилаётгани билан белгиланади.

Ўз қудрати ва салоҳиятини юксалтиришни қўзлаган ҳар бир мамлакат фуқароларининг моддий ҳамда маънавий манфаатларини қондириш борасидаги фаолият ва ҳаракатларига кенг имкониятлар яратади, эркинликлар беради, уларни рағбатлантиради.

“Таълим тўғрисида”ги янги қонуннинг қабул қилиниши мазкур тизимда янги имкониятлар эшигини очди. 1997 йилда қабул қилинган қонунда [1] назарда тутилмаган таълим олиш шакллари жорий этилмоқда, яъни таълим олиш шакллариининг таснифи кенгай-

тирилди:

- ишлаб чиқаришдан ажралган (қундузги) ва ажралмаган ҳолда (*сиртқи, кечки, масофавий*);

- назарий - таълим ташкилоти негизда, амалий - таълим олувчининг иш жойида бирга олиб бориладиган дуал таълим;

- оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш;

- катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш;

- жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун инклюзив таълим;

- экстернат тартибидаги таълим - ўқув дастурларини мустақил равишда ўзлаштиришни ўз ичига олиб, унинг яқинлари бўйича таълим олувчилардан давлат таълим муассасаларида якуний ва давлат аттестацияларидан ўтиш;

- мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида кадрлар тайёрлаш [2].

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун инклюзив таълим жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 13 октябрьдаги «Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4860-сон қарори қабул қилинди. Шу билан бирга, 2020-2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар таълимини 2025 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари тўғрисида ҳам ҳужжатлар тасдиқланиб, уни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» тузилди [3].

Инклюзив таълим нима дегани? Бу умумий таълимни ўзгартириш жараёни бўлиб, барча болалар ундан фойдаланиши, уни болаларнинг турли эҳтиёжларига мослаштириш мумкинлигини кўзда тутиб, мазкур масала алоҳида эҳтиёжманд болаларга билим олиш имконини беради. Инклюзив таълим болалар учун мўлжалланган ва барча болалар таълим олишда турли эҳтиёжларга эга шахслар эканини эътироф этадиган методологияни ривожлантиришга ёрдам беради [4].

Миллий қонунчилигимиз имконияти чекланган инсонларга ҳам ўз салоҳиятини юзага чиқаришда тенг ҳуқуқ беради. Конституциямизда таълим олиш ҳуқуқи барча учун кафолатланган. Мамлакатимизда жисмоний имкониятлари чеклангани сабабли умумтаълим мактабларига боролмаётган болалар ҳам бор.

Европа Иттифоқи томонидан молияланадиган “Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим” лойиҳаси мамлакатимизда инклюзив таълимни ривожлантиришга қўшимча турки берди. Лойиҳанинг асосий мақсади 2-10 ёшгача бўлган алоҳида эҳтиёжли болалар учун таълим сифатини ошириш ва уларнинг умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларига мослашишига қўмаклашишдан иборат [4].

Европа мамлакатлари тажрибаси шунга кўрсатадики, ўшбу ёш тоифаси болаларни умумтаълим мактабларига жалб қилиш учун қўлай ҳисобланади. Яъни, болани кейинчалик 2 ёки 3 таълим муассасасига ўтказишдан кўра, уни таълим тизимида энди кириб бораётганда ихтисослаштирилган эмас, балки оддий мактаб ёки боғчага жалб қилиш муҳимдир. Аммо, шунга қарамай

жоизки, ҳар бир ҳолатни “бола манфаатларини инобатга олиш” тамойилига амал қилган ҳолда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш зарур. Яъни, ҳаммаси боланинг ўзига боғлиқ. Негаки, саломатлиги билан боғлиқ жиддий камчиликлари бор айрим болалар учун ихтисослаштирилган мактаб энг яхши қарор ҳисобланади. Лойиҳамиз айнан ўшбу ёш тоифасига қаратилгани ўшбу масала кейинчалик болаларнинг ёши каттарган сайин ўз аҳамиятини йўқотади, дегани эмас. Ресурсларимиз чеклангани боис асосий эътиборни айнан шунга ёш тоифасига қаратмоқдамиз [4].

Инклюзив таълимнинг асосий тамойилларидан бири шундан иборатки, бу таълим бир томонлама бўлмаслиги керак ва жамият инклюзив таълимни йўлга қўйиш учун шарт-шароитлар яратиши лозимлигини кўзда тутиши зарур. Европа давлатларида Ўзбекистонда бўлгани каби кўпинча оддий болаларнинг ота-оналари фарзандлари алоҳида эҳтиёжли болалар билан бирга ўқишдан хавотирга тушади. Шунинг билан бирга болаларнинг ота-оналари билан ҳам ишлаш лозим. Таъкидлаш жоизки, алоҳида эҳтиёжли болалар ота-оналарига уларнинг фарзандлари ҳам жамиятнинг бир бўлаги бўлиш ҳуқуқига эга эканини етказиш, бунга уларнинг онгига сингдириш таълимнинг асосий мақсадларидан биридир. Зеро, имконияти чекланган инсонлар ҳам катта ютуқларга эришаётгани хақида қўллаб-қувватлаш мисоллар келтириш мумкин. Бунинг учун уларга ўз салоҳиятини юзага чиқариш, ота-оналарга эса танлаш имкониятини бериш зарур. Бу борада маърифий тадбирлар, семинарлар, кенг жамоатчилик иштирокида учрашувлар ўтказилаётгани самарасида аксарият ота-оналар бугун фарзандлари оддий умумтаълим мактабига ўқишига рози.

Амалийдан биламизки, муайян таълим эҳтиёжларига эга бола ўз тенгқўрлари орасида ўқиса, бу кўпроқ самара беради. Биринчидан, боланинг ривожланишида, иккинчидан, жамиятни, бундай болалар атрофидаги болаларнинг ривожланишига ёрдам беради. Негаки, алоҳида эҳтиёжли болалар билан бирга ўқийдиган ўғил-қизларда уларга ёрдам бериш, ачиниш, жавобгарлик туйғувси шаклланади, кўпинча яхши шароитларда ўсиб-ўлғаяётган болаларга хос худбинлик қайфияти йўқолади. Бунинг самарасида болалар биргаликда ишлаш, бир-бирини қўллаб-қувватлашни ўрганади. Бир муҳитда тарбияланадиган болалар ўзларидаги фарқни сезмайди, балки бунга фақат ота-оналар сезади, холос. Шунинг билан бирга болалар алоҳида эҳтиёжли ва бошқа болалар, ўқитувчилар, жамият, маҳалла, оилаларга ижобий таъсир кўрсатади. Яъни, уларнинг барчасида алоҳида эҳтиёжли инсонларга нисбатан ижобий муносабат ривожланади. Умуман олганда, раҳм-шавқат, мурувват каби хислатлар халқимизга азалдан хос бўлиб, бунга болаларга ҳам ёшлигидан сингдириш лозим. Бу борада инклюзив таълим алоҳида ўрин тутаяди. Биз таълим олишнинг шаклларида бири бўлган инклюзив таълим ва унинг афзалликлари хақида фикр юритдик, лекин таълим олишнинг янги “Таълим тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган шакллари ҳам фуқароларимизнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратаяётганлиги кишини қувонтиради. Президентимиз томонидан “Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан мамлакат рақобатдошлигининг асосий кўрсаткичига айланган бугунги шароитда таракқиётнинг муҳим омилли сифатида таълимнинг роли ортиб бормоқда» деган ибораларининг исботи айнан таълим масаласига қаратилган жиддий эътибордан дарак бериб турибди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. 23.09.2020 йил. Қонун “Халқ сўзи” газетасида эълон қилинган ва 24.09.2020 йилдан қўлга кирди.

2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)
https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/talim_tugrisidagi_yangi_qonun_asosiylari_haqida_qisqacha

РЕЗЮМЕ

Макур мақолада Янги “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва унга киритилган янги таълим шакллари ҳақида фикр юритилади, шу билан бирга инклюзив таълимнинг аҳамияти ва унинг қонунда акс этиши ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются взгляды на новый «Закон об образовании», а также приводятся информация о новых формах образования и конкретно освещается важность инклюзивного образования и его отображение в новом законе.

SUMMARY

This article highlights the views on the renewed “Law on Education”, on new forms of education, specifically highlights the importance of inclusive education, its reflection in the new law.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШДА МАХАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

В.Ишқуватов – тарих фанлари номзоди

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: ўзини ўзи бошқариш органи, маҳалла, тадбир, урф одат, чора-тадбир, ижтимоий сўров, муаммо, таклиф ва тавсия, мурожаат, кўни-қўшни.

Ключевые слова: органы самоуправления, махалля, мероприятия, традиция, мероприятие, социальный опрос, проблема, предложения и рекомендации, обращения, соседство.

Key words: self-government bodies, makhallia, event, tradition, event, social survey, problem, suggestions and recommendations, handling, neighborhood.

Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органи, яъни маҳалла ва унинг бугунги кун талаблари доирасидаги фаолиятини ёритиш масаласига давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилмоқда. Шу боисдан бугунги кунда жамиятимизда кечаётган чуқур ислохотлар шароитида ўз-ўзини бошқариш тузилмасининг халқимиз турмуш тарзидаги, оила ва жамият ҳаётидаги ўрнини мамлакатимиз мисолида тарихий нуқтаи назардан тадқиқ этиш ва умумлаштириш илмий ҳамда амалий аҳамият касб этади. Айниқса, сўнги йилларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳаётида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада мамлакатимиз Президенти томонидан 2017 йил 3 февралда янги таҳрирда қабул қилинган «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони муҳим қадам бўлди [1]. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини, жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини оширишга катта аҳамият берилганлиги ҳам унинг жамиятдаги нуфузини янада ошганлигидан далолатдир [2].

Кўп асрлик тарихга эга бўлган маҳалла тизими Ўзбекистонда биринчи марта фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим бўғини сифатида маҳаллий давлат ҳокимиятидан ўрин олди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар фаолиятининг, уларга берилган ваколатларнинг демократик, қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади [3].

Фуқаролик жамиятининг муҳим асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топди [3]. Конституциянинг 105-моддасида “Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаши”, белгилаб қўйилган.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг энг ёрқин кўриниши, айти пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи сифатида мустақиллик йилларида жамиятда бошқарув тизимларини ислох қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яъни қучли давлатдан, қучли жамиятга ўтиш борасидаги йўللار изчил давом эттириб

келинмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари, вазифалари Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунида аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифалари сифатида қуйдагилар белгиланди:

– фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини амалга оширишда қўмаклашиш;

– ўз ҳудудларида ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал қилиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш;

– давлат ҳокимияти органларига Ўзбекистон Республикаси Қонунларини, Президент ва ҳукумат ҳужжатларини, халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимликларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштириш [4].

Фуқаролик жамияти куриш шароитида фуқаролар йиғинининг коллегиял орган эканлиги ҳам муҳимдир. Яъни, маҳалла раиси кенгаши тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишган ҳолда, заруратга қараб қакиради. Фуқаролар йиғини, барча аҳолини йиғишнинг иложи бўлмаган ҳолларда, белгиланган вакиллик меъёрлари асосида ўтказилади [4], дейилган. Бу эса ҳозирги фуқаролик жамияти куриш шароитида маҳалла раисларининг фаолиятида демократия, очиклик ва шаффофлик тобора кўзга ташланаётганлиги аниқламоқда. Бу эса маҳаллада истиқомат қилаётган фуқаролар бошқарувини осонлаштириш, уларни янада жипслаштириш, маҳалла идорасидан узок-узок ҳудудларда жойлашга ҳонадонларни янги маҳаллалар ва овулларга бирлаштиришни тақоза этмоқда.

Шу боисдан мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини такомиллаштириш, зарур ҳолатларда йириклаштириш тадбирлари қўрилди. Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, мамлакатимизда 1994-йилда 12 мингдан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органлари шакллантирилган бўлса, уларнинг сони 2001-йилда 7847 тани ташкил этган [5]. 2017 йилга келиб улар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этган. Бу эса мамлакат миқёсида ушбу тузилма фаолиятини бошқаришни тобора енгиллаштирмоқда.

Маълумки 1999-йил 14-апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунда уларнинг ваколатлари ва ҳуқуқлари белгиланган бўлса, 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари